


## ХАБАРЛАР

# Украина: Шимолий Қрим каналидаги темир йўл кўприги йўқ қилинди

дақиқа аввал



Украина томони баёнотиға кўра, 23 июн куни Шимолий Қрим канали устидаги темир йўл кўприги мамлакат ҳарбийлари томонидан йўқ қилинган.

Кўприк Россия қўшинлари фойдаланадиган стратегик ҳарбий-логистика ўтиш нуқтаси сифатида таърифланади.

Украина армияси Махсус кучлари томонидан тарқатилган дрон видеоларида Шимолий Қрим канали устидаги темир йўл кўприги ва техникаларга берилган зарбалар акс этади.

Украина Махсус кучлари Telegram каналида маълум қилинишича, улар оккупация қилинган Қримдаги Роздольное қишлоғи яқинида кўприкка қаршилик ҳаракати

аъзолари билан ҳамкорликда икки марта зарба берган.

Украина президенти Владимир Зеленский мамлакат кучларини мақтади:

*- Ҳар куни Украинанинг аниқ зарбалари самара бериб тургани кўринади. Барча иштирок этаётган кучларга миннатдорчилик билдираман. Бизнинг босимимиз ва бошқа барча босимлар ишлашда давом этиши ва тинчлик учун хизмат қилиши керак. Россиядаги кўпчилик аллақачон Путинга унинг уруши тугамаслигидан шикоят қилмоқда. Ҳозирги барча қийинчиликлар россияликларни бу уларнинг уруши экани, у "осмондан тушган тош" эмаслиги ва уруш тугаши кераклиги ҳақида ўйлашга яқинлаштириши лозим.*

Зеленский шунингдек Польша билан муносабатларда "конструктив бўлиш муҳим" , деди.

Озодлик уруш шаротида томонлар бераётган маълумотларни мустақил манбалардан тезкор текшириш имконига эга эмас.